

СОЛИҚ ХАРАЖАТЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ахмадова Комила Комиловна
Фискал институт
ORCID: 0009-0001-9331-4433

Аннотация. Мақолада солиқ харажатлари солиқ аудитини такомиллаштириши масалалари ёритилган. Солиқ харажатлари солиқ аудитининг назарий масалалари ўрганилиб уни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ харажатлари, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби, солиқ аудити.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА НАЛОГОВЫХ РАСХОДОВ

Ахмадова Комила Комиловна
Фискальный институт

Аннотация. В статье освещены вопросы совершенствования налоговой проверки налоговых расходов. Изучены теоретические вопросы налогового аудита налоговых расходов и даны предложения по его совершенствованию

Ключевые слова: налог, налоговые расходы, бухгалтерский учет, налоговый учет, налоговый аудит.

IMPROVING THE AUDIT OF TAX EXPENDITURES

Akhmadova Komila Komilovna
Fiscal Institute

Annotation. The article covers issues of improving the tax audit of tax expenses. Theoretical issues of tax audit of tax expenses are studied and proposals for its improvement are given.

Key words: tax, tax expenses, accounting, tax accounting, tax audit.

Кириш.

Солиқ аудити солиқ таваккалчилигини бошқаришни қўллаб-қувватлайдиган ва солиққа риоя қилишни таъминлайдиган тузилма сифатида эътироф этилиб, солиқ стратегияси, солиқ сиёсати ва солиққа оид роль ва мажбуриятларни ўз ичига олади. Жаҳон банкининг тавсиясида “солиқ базасини кенгайтириш ва чукурлаштириш орқали ички ресурсларни сафарбар қилиш мамлакатнинг ташқи молиялаштиришга (масалан, халқаро ёрдам, ривожланиш ёрдами ва четдан қарз олиш) қарамлигини камайтиради, шу билан бирга ҳукуматнинг жавобгарлиги, тезкорлиги ва институционал салоҳиятини янада кенгроқ яхшилашга ёрдам беради” (2022) деб келтирилган.

Солиқ қонунлари ва бухгалтерия ҳисоби стандартларидаги ўзгаришлар туфайли шаффофиликни таъминлаш ва реал вақт режимида солиқ маъмурчилиги томонидан мувофиқликни ва маълумотларга йўналтирилган аудитни осонлаштирадиган хавфларни ва солиқ рискларини стратегик жиҳатдан бошқариш долзарб масаладир.

Солиқ харажатларини солиқ аудитидан ўтказиш методикаси ҳали етарлича тадқиқ этилган әмас. Солиқ аудитини ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштиришда иқтисодиёт тармоқларининг хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ аудитининг баъзи масалаларини кўриб чиқамиз.

Адабиётлар шарҳи.

Ҳозирги вақтда “солиқ аудити” тушунчаси мамалакатимиз ва хорижий адабиётларда тез-тез ишлатиладиган тушунча бўлиб қолмоқда. Бироқ, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, иқтисодий адабиётларда ҳам “солиқ аудити” тушунчаси ҳар хил талқин қилинмоқда.

Солиқ аудитининг муҳимлигини Барсулая (2019) қўйидагича ифодалайди: “ҳозирги вақтда аудиторлик хизмати турлари ичида солиқ аудитига кўпроқ эҳтиёж туғилмоқда. Экспертларнинг баҳолашича Россия аудиторлик компаниялари тушумининг 30 фоизи солиқ аудитига тўғри келмоқда”. Шеремет, Суйцлар (2005) солиқ аудитига “солиқ аудити - бу солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ сиёсатига риоя қилинишини аудиторлик текширишидир” дея таъриф беради.

Усатова (2008) ўзининг илмий ишларида солиқ аудитини қўйидагича эътироф этган: “Солиқ аудити-бу бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ҳолатини, шунингдек ташкилотларнинг солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб китобларини мустақил текширишдир”.

Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти бўйича комиссия томонидан мақулланган “Солиқ масалалари бўйича солиқ аудити ва бошқа хизматлар. Солиқ органлари билан мулоқат” номли аудиторлик фаолиятини методикасида солиқ аудити қўйидагича ёзилган: “Солиқ аудити деганда иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ва солиқ ҳисботларини ҳақиқийлиги ва қонунчилик томонидан белгиланган нормаларга мос келишлиги даражасини, иқтисодий субъектлар томонидан бюджеттага тўланадиган солиқлар ва бошқа тўловлар ва бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмаларни ҳисобда акс эттирилишини аудиторлик ташкилотлар томонидан маҳсус аудиторлик топшириқни бажарилиши тушунилади” (Протокол, 2000).

Хотамовнинг (2016) фикрича “Солиқ аудити – бу мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг барча элементлари ва имтиёзларни тўғри қўлланилганлиги солиқ ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослигини текширишдир”.

Солиқ аудити бўйича Солиқ кодексининг 140-моддасида: “Муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудитидир. Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади” фикр келтирилган (Протокол, 2019).

Миронова ва Ханафеевларнинг (2017) фикрича, солиқ аудити аудитнинг бир туридир, “тегишли хизматлар” әмас. Бу муаллифлар ўзларининг фикрларини давом эттириб, солиқ аудити доирасида солиқ режалаштириши амалга оширилади, бюджет билан ҳисоб-китoblар назорат қилинади, шунинг учун ҳам аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ташқи аудитнинг мустақил тури деган холоса қилишади.

Акрамов (2022) солиқ аудитига қўйидаги таърифни беришни таклиф этган: “Солиқ аудити хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтда ва тўлиқ бюджеттага тўланишида солиқ қонунчилигига риоя қилинишини мустақил текшириш ҳамда солиқ масалалари бўйича хизматлар кўрсатишдир”. Таърифдан кўриниб турибдики, солиқ аудити аудиторлик текшируви ва солиқ масалалар бўйича хизматларни ўз ичига олади (Акрамов, 2022).

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида давлат секторида ички аудитни такомиллаштириш билан боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда мантикий фикрлаш, таққослаш, тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилган. Мавзу бўйича мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида тегишли хуносалар қилинган ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Солиқ органларининг автоматлаштирилган “Солиқ хавфини аниқлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш” дастури солиқ хавфи мезонлари асосида солиқ тўловчининг солиқ хавфи даражасининг юқори тоифаси киритилиши ушбу солиқ тўловчидаги солиқ аудити тайинланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Солиқ хавфи юқори (қизил йўлак) бўлган тадбиркорлик субъектлари шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органи томонидан хабардор қилинади ҳамда белгиланган тартибда солиқ аудити тайинланади.

Солиқ аудити объектни қамраб олишига кўра тўртта турга бўлинади:

- экспресс-аудит;
- мавзули аудит;
- комплекс аудит;
- таркибий аудит.

Мамлакатимизда солиқ аудити Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-иловаси “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га асосан ташкил этилади (Низом, 2021).

2022 йил давомида амалга оширилган таҳлиллар асосида ўтказилган солиқ назорати натижалари тўғрисида маълумотлар 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

2022 йил давомида амалга оширилган таҳлиллар асосида ўтказилган солиқ назорати натижалари тўғрисида маълумот¹²², млрд.сўм

Йўналиш	Сони	Суммаси	Текширишда аниқланган сумма (қўшимча ҳисобланган)	Асослантирилган (тасдигини топмаган)	Текшириш якунланиб қарор қабул қилиш жараёнида
Жами	10387	3140,0	1 973,0	1 693,4	181,5
Камерал солиқ текширувлари	10242	2547,4	1 216,4	1 223,6	181,5
Солиқ аудити	145	592,6	756,7	469,8	0,0

1-жадвалда давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2022 йил давомида амалга оширилган таҳлиллар асосида ўтказилган солиқ назорати тадбирлари натижалари тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, жами тафовут аниқланган корхоналар сони 10387 тани ташкил этган. Олиб борилган текширувларда 10242 таси камерал солиқ текширувлари ва 145 таси солиқ аудитларига тўғри келган бўлса, 3140,0 млрд.сўм камомад аниқланган. Ўтказилган назорат тадбирлари якуни билан тақдим қилинган

¹²² Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

хавф суммаси текшириш давомида аниқланган сумма 1973,0 млрд.сўм бўлса, шундан сегмент таҳлили бўйича ҳисоблангани 1265,2 млрд.сўмни, текширишда қўшимча аниқлангани 707,9 млрд.сўмни ташкил этган. Бу турли хил хавф омиллари ва қоидабузарликларнинг мумкин бўлган соҳаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама солиқ назорати чораларини ўтказиш муҳимлигини таъкидлайди. Камерал солиқ текшируви ва солиқ аудити билан ыамраб олиш бор йўғи 2,07 фоизни ташкил этган¹²³.

Маълумотларга кўра, 2023 йил январь-декабрь ойларида 32709 та солиқ аудити тадбирлари ташкил этилиб, 8768 та солиқ тўловчиларда солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланган.

“Тахлика тахлил” автоматлаштирилган тизими орқали аниқданган 770,9 млрд.сумлик солиқ хавфлари бўйича 1066 та солиқ аудити ўтказилиб, текширув натижасида 1579,5 млрд.сўм қўшимча солиқ ва молиявий санкциялар қўлланилган. Бундан икўриниб турибдики, солиқ аудитини қамраб олиш даражасини кўпайтириш асосида бюджеттага қўшимча солиқ тушумларини таъминлаш мумкин экан.

Корхоналарда 2022 йилда ўтказилган солиқ аудити натижалари таҳлили келтирилди (2-жавдал).

2-жадвал

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан 2022 йилда ўтказилган солиқ аудити натижалари таҳлили¹²⁴

Текширилган корхона номи	Ўтказилган текшириш якуни билан аниқланган сумма (минг.сўм)	шундан		Ундирилган сумма (минг.сўм)
		Қўшимча ҳисобланган солиқ (пеня билан бирга) (минг.сўм)	Молиявий жарима (минг.сўм)	
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	459 419,9	196 894,2	262 525,6	459 419,9
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	261 639,3	261 639,3	0,0	261 639,3
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ	14 873,6	14 873,6	0,0	14 873,6
“AZIA METALL PROF” МЧЖ қўшма корхона	5 013 275,8	4 243 654,0	769 621,8	5 013 275,8
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	788 742,7	338 032,6	450 710,1	0,0
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	2 118 279,1	909 258,5	1 209 020,6	0,0
“Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ	210 052,8	0,0	210 052,8	0,0
“ALUTEX” МЧЖ	2 297 439,4	1 710 823,6	586 615,8	2 297 439,4
Жами	11 163 722,6	7 675 175,8	3 488 546,7	8 046 648,0

2-жадвалда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан томонидан 2022 йилда амалга оширилган солиқ аудити давомида “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖда текшириш якуни билан аниқланган сумма 459 419,9 минг сўмни, бошқа ҳолатда 261 639,3 минг сўмни, 788 742,7 минг сўм, 2 118 279,1 минг сўм ва 210 052,8 минг сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

¹²³ Innovations in Tax Compliance, February 17, 2022-

<https://www.worldbank.org/en/topic/macroeconomics/brief/innovations-in-tax-compliance>

¹²⁴ Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Агар жамига эътибор қиласиган бўлсак, ўтказилган текшириш якуни билан аниқланган сумма 11 163 722,6 минг сўмни, шундан қўшимча ҳисобланган солиқ (пеня билан бирга) 7 675 175,8 минг сўмни ва молиявий жарима 3 488 546,7 минг сўмни ташкил қиласиган. Ундирилган сумма 8 046 648,0 минг сўмни, қўшимча ҳисобланган солиқ (пеня билан бирга) 6 427 884,7 минг сўмни ҳамда молиявий жарима 1618763,2 минг сўмни ташкил қиласиган.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ аудити солиқ текширувининг алоҳида тури бўлиб, солиқ хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларда ўтказилади.

Солиқ турлари ва иқтисодиёт тармоқларининг хусусиятларини ҳисобга олган олда солиқ аудитини ўтказиш методикасини ишлаб чиқишини таклиф этамиз.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Акрамов Ф.А. (2022) Солиқ харажатларининг ҳисоби ва аудитини таомиллаштириш. Дисс. автореферати. Тошкент.

Барсулая Т.Д. (2019) Налоговый аудит. Учебник: учебное пособие / Барсулая Т.Д. — Москва: Русайнс, — 582 с. — ISBN 978-5-4365-3384-1. — URL: <https://book.ru/book/932100>.

Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. (2017) Национальная безопасность: конспект лекций / - Йошкар-Ола: Поволжский государственный технологический университет, - 148 с.

Низом (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги "Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги 1-сонли қарорининг 2-иловаси "Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ".

Протокол (2000) Методика аудиторской деятельности «Налоговый аудит и другие сопутствующие услуги по налоговым вопросам. Общение с налоговыми органами» [одобрена Комиссией по аудиторской деятельности при Президенте РФ 11.07.2000 Протокол № 1] // «Консультант Плюс». 21.12.2019.

Усатова Л.В. (2008) Организация процесса налогового аудита расходов. Журнал экономический анализ: теория и практика, 24 (129), 26-31стр

Хотамов К.Р. (2016) Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини таомиллаштириш диссертация и.ф.д., -Т.: 136 б.

Шеремет А.Д., Суйц В.П. (2005) Аудит: Учебник. - М.: ИНФРА-М, – 280 с.